



# Ўزбекистон соҳиба, ХАЗРАТИ АЛИШЕР!



## ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РЎЗНОМА 1928 ИЛИ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 189 (10,185).

1991 йил  
28 сентябрь  
шанба

Баҳоси 8 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

### УМРБОҚИЙ САТРЛАР

Одамий эрсанг, демагил одами,  
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

Навосиз улуснинг навобахши бўл,  
Навойий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

Агар қилмади эл ҳимоят санга,  
Ўзингдин керакдур шикоят санга.

Кимки, бир кўнгли бузуқнинг  
хотирин шод айлағай,  
Онча бор ким, каъба вайрон  
бўлса обод айлағай.

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг,  
Ер ўлуғ бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш!

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,  
Ҳам жонларига моий дармон бўлғил.

Кимники, билай десанг, мақолин англа,  
Аслин десанг англайин, фиолин англа.

Кўнглингини арит барча ёмон иллатдан,  
Ким яхши қилиқ далил эрур роҳатдан.

Кимки, улугроқ — анга хизмат керак,  
Улки кичикроқ — анга шафқат керак.

Фарзанд атоға қуллуғини одат қилди,  
Уя одат ила касби саодат қилди.  
Ҳар кимки атоға қўп риоят қилди,  
Уғлидан анга бу иш сироят қилди.



Бугун пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида улуг ўзбек шоири ва мутафаккири, ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси АЛИШЕР НАВОЙИЙ туғилган кунининг 550 йиллигига бағишланган тантанали кеча ўтказилди, санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилади.

#### Ўзбекистон Республикаси Президентининг

#### ФАРМОНИ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА  
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ Тўғрисида

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1991 йилги Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги тақрифларига биноан адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги юксак асарлар учун 1991 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофот-

лари қуйидагиларга берилсин:  
**Абдулла ҚОДИРИЙ**га (раҳматли) — Ўзбекистон адабиётини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, ўзбек миллий романи мактабини яратгани («Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романлари) учун;  
**Абдуҳамид Чўлпон**га (раҳматли) — Ўзбек шеъриятини ривожлантиришдаги улкан хизматлари («Яна олдим сезимни» тўплами) учун;  
**Абдурауф ФИРАТ**га (раҳматли) — Ўзбек драматургиясини ривожлантиришдаги, ре-

алистик адабий танқидчилик ҳамда адабиётшунослик мактабига асос солишдаги хизматлари («Абулфайзон», «Ҳинд ихтилолчилари» драмалари ва ўзбек адабиётига оид тадқиқотлари) учун;  
**Шернат (Шерали) Жўраев**га — сўнгги йиллардаги концерт-ижрочилик фаолияти учун;  
**Бақодир Ҳазратов**га — расмон;  
**Серго Михайлович СУТЯГИН**га — бош меъмор;  
**Саминжон МУЙДИНОВ**га — халқ устаси;  
**Мурод Юнусович ФОЗИЛОВ**

га — меъмор — Кўқон шаҳрида қурилган маданий томоша биналари мажмуаси учун;  
**Манзар САЛИМ**га — Ҳиндистон фуқароси, адиб ва таржимон, Ўзбек ёзувчиларининг (Ҳамза, Оябек, Абдулла Қасимов, Гафур Гулом, Зулфия ва бошқалар) асарларини урду тилига юксак маҳорат билан таржима қилгани учун.

Ўзбекистон Республикаси Президентини **И. КАРИМОВ**.  
Тошкент шаҳри,  
1991 йил 25 сентябрь.

ҲАҚИКАТИ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ  
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ  
ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ  
Тўғрисида

ҲАҚИКАТИ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг наватдан ташқари еттинчи сессияси 1991 йил 30 сентябрь кунини соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 29 сентябрь кунини эрталаб соат 9.00 дан то кеч 18 га қадар, 30 сентябрь кунини эрталаб соат 8.00 дан Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати мажлислар залининг фойеида рўйхатга олинад.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ  
ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНинг ҚАТНАШЧИЛАРИ  
ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари гуруҳлари вакиллари Кенгаши 30 сентябрь кунини соат 9.00 да Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати мажлислар залида бўлади.





# Ўзбек тили нозига чуқурлик меним атам, Айлагим ул мамлакатни аққолам



НАВОИЙ Хусайн Бойқарога «Хамса»нинг илк нусхасини тақдим этган пайт.  
Рассом Махмуд Жўраев чизган расм.

## ЗАМОНДОШЛАР ТАЪРИФИДА

**МИР АЛИШЕР** аслаҳаллоҳу шонаҳкум, тахаллуслари Навоийга машҳурдур ва ашғорийда бу тахаллусласи мастур-турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ анфоси билан рўх қиюрди ва ул рўх тоққонларга туркий ойин алфоз тору пудийди тукулгон ҳулла ва ҳарир кийдурди. Ва сўз гулистониди наваҳори таъбидин равон осон ёғиллар ранг-баранг гуллар очти ва назм дарёсига саҳоби фикиратидин руҳпарвар қатралар билла гуноғун гуллар сочди. Хар сиф шъар майдонидиким, тақовар сурди — ул кишварни тиги забон билла ўз хиттан тасарруфига кивурди. Алинг назми васфиди тил қосир ва баён ожиз турур.

...Бу кун назм арқонининг рубъи масқунида қахрамон ул турур ва бу мамолик фатҳига соҳибқирон ани десалар булур.

Хусайн БОЙҚАРО.

**НИЗОМИЛ** — миллат ваддин Алишер деган олий исмин олмондан муболагасиз бадавлатдир... адади утага етган газал ва қасидалардан иборат девонларини бир пўст ичди уч магиз етишгани каби бир жылда жамлаган. Ўз шарофатли хизмати билан бу файрлардан ҳар бирига бир хос ном қўйилса, деб илтимос қилди. Фикрлашиб ва бир-галашиб шундай қарорга келинди. У кишининг мулоҳазаси бўйича ёшлик ва умидлар ва омондиларнинг бошлангани даврда тузланган аввалиги девонни «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшлиқнинг бошлангани») деб номланди, ҳаёт айёми дур шодасининг ўрталарида тартиб берилган ик-

кинчи девонини «Востат ул-икд» («Дур шодаси ўрталари»), ҳаёт охириларида тузилган учинчи девонини «Хотимат ул-ҳаёт» деб атади.

Абдурахмон ЖОМИН

**АЛИШЕРБЕК** тенги йўқ киши эди. Туркий тил билла то шъар айтувдурлар, ҳеч ким очна қўл ва ҳўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилдур, бешини «Хамса» жавобиди, яна бир «Мантиқ ут-тайр» вазинида «Лисон ут-тайр» отлик. Тўрт гасалиёт девони тартиб қилдур: «Ғаройиб ус-синар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат», «Фавоид ул-иқбор» отлик... Форсий девон ҳам тартиб қилдур. Форсий назмда «Фоний» тахаллусласи қилдур, баъзан абётни ёмон эмастур, вале аксар сует ва фувдурдур. Яна мушқиди яхши нималар боғлаб тур. Яхши нақшлари ва яхши шеърлари бордур.

Ахли фаза ва ахли ҳунара Алишербекча мураббий ва муқддвий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмаш бўла-рай...

Заҳириддин Муҳаммад БОБЎР.

**УЛУҒ** шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ўзининг ўлмас асарлари билан ўзбек адабиётини муаззам чуқ-кига кўтарди. У ҳайратда қоладиган даражада кўп баъдий, илмий, ахлоқий-таълимий асарлар яратди. Шоир бу дурдона асарлари билан она тилининг бутун куч-қудрати ва бойлигини намоён қилди. Шунинг таъкидлаши жоизки, адабий тил тарихида ҳеч ким туркий тилга Навоийлик ҳар томонлама сайқал беролган эмас. Бироқ бу туркий тил тарихи биргина Навоийдан бошланган деган фикрни билдирмайди. Эски ўзбек адабий тилининг икки йилдан Навоийдан бир неча аср бурун ўсиб чиқиб, аста-секин мамол топиб, шоир ижодиётида эса кудратли чинорга айланди.

Аҳмад Ясавий, Сулаймон Бойқирғоний, Рабзузи, Хоразмий, Дурбек асарлари «Ўзбек» адабий тилининг шасоланишида шубҳасиз улкан марҳуми эгалдилар. Айниқса, Навоийнинг яқин ўғинишларини Санжойий, Атоий, Лутфиий туркий тилда ижод қилиб, элга машҳур бўлдилар. Хўш, шундай экан, ўзбек адабий тилининг яратилиши соҳасида Навоийнинг улуғлиги ва хизмати қай даражада?

XV асргача ҳам, Навоий даврида ҳам гарчи ўзбек тилида ижод қилган шоирлар бўлса-да, бироқ адабиётда барибир форс тили ҳукмрон эди. Шоир «Мажлис ул-нафос» асарида юзлаб шоир ва шъариятга таалуқли кишилар ҳақида мухтасар маълумотлар берар экан, улар орасида жуда оз қаламашларини ўзбекча ижод қилганлигини қайд этади. Уша вақтда форс адабиёти туркий тилининг ичига кириб, бу тилининг поэтик кўчи ва ифода воситаларини фидрасий, Хайём, Саъдий ва Ҳофиз каби буюклар аллақачон исботлаб қўйган эдилар. Уларнинг омураъиёти бош-тан Шарқни забт этганди.

Урта Осиё халқларининг заблллари ҳаёти ва ймла араб тили ҳукмрон эди. Араб тилини мухаммаллаштириш мақсадида шоир ва олимлар асарлар давомиди ишлаган эдилар. Бутун умрини она тилининг ривожига бағишлаган Навоий ҳам «Муҳакамат ул-луготайн» асарида таомат эҳтироси ва мангити билан форс тилининг усту-нлигини қаттиқ «тил текни-гани» ҳолда, араб тили ол-дида хурмат сақлаб, унинг юксак «самовий» фасилларини таъкидлаб ўтди. Қў-пол, «сахроий» тил деб кав-ситилган ўзбек тили адабий тил сифатида мамлакатда ҳоким тилга айлангани керак эди. Шу вазифани Навоий кўнгилдагидек бакарди.

Алишер Навоий форсчани жуда чуқур биларди. У 50-нинг йигитлик айёмида Ҳу-минг мисрадан ортқ форс тилида яратилган дурдона-ларини ёддан билган. Ўз дав-рининг фарзанди бўлган шоир шу тилда шъарлар ҳам ёзди. Лекин кейинчалик унинг ижодида кескин бури-лиш рўй берди. Еш шориш ўз йўлини узил-кесил белги-лайд: форс тили ҳукмронли-гуна кураш байрогини кўтарди. У то вафо-тига қадар бу курашининг ишқи билан яшайди. Бироқ бу бурилиш нуктасини ҳеч ким ҳозиргача аниқлаган эмас. Чиндан ҳам она тили-нинг форсчага нисбатан усту-нлиги ва туркий тилда адабиёт яратилиши зарурлиги ҳақидаги чуқур қаноат форс маданияти руҳида тарбия-ланган шоирда қай вақтда, қандай сабаб ва ички эҳ-тиёж, таъсирлар орасида пайдо бўлди деган масалани ойдинлаштириш ниятда қи-зиқарли мавзудир. Бу маса-лани ўрганиш бугунги ада-биётшунослимизнинг ва-зифасидир.

Навоий темирлар хизма-тида бўлган ва сарой аён-лари орасида тарбия кўрган. У замонада ҳукмрон мансаб-дорлар эрон адабиёти ва санъати олдига тоғинасалар ҳам ўз она тилларини, урф-одатларини, аъёнларини сақлаган эдилар. Бобур «Бобурнома»сида «турко-на-расм» сарой доираларида қўллангани ҳақида сўзлайди. Навоий ҳам «Мезон ул-ав-зон»да келинлар бошидан сочди сочин, келинчак юзи-дан пардани илк дафъа гў-

«Вақфия» ва «Муҳокамат ул-луготайн» асарларида шоир олдиди подшо ҳалқнинг арзи-ҳолини ҳар кун ўз қў-ли билан эшитишни керак-лигини, мамлакатда қонун-чиликнинг барпо этилиши-ни, давлат идораларидан зо-лим амалдорларни йўқот-ишни талаб этган бўлса; ада-биёт соҳасида эса шоирлар-ни ўз она тилларида асарлар яратишга даъват этди. Халқ Ватан ва давлат ҳақида ўй-лаш, уларга доир масалалар-ни асарларида махсус кўта-

риш ва ҳал этишга уриниш адабиётимизда Навоийга қадар ҳеч бир ижодкорда уч-рамайди. Навоийда эса бу фикр-мулоҳазга турли муно-сабатлар билан жуда кўп са-ҳифаларда тақорланади.

Ўзбек тилини адабий тил сифатида тасдиқлаш, унинг бойлигини исботлаш учун бу тилда катта адабиёт яратиш керак эди. Бу ишни Навоий амалда бажариб, ўзига «қўл билан тиклаб бўлмас» ҳай-кал қўйди. Шоир ўз шъар-иятининг гулшанини беэза-ган она тили хазинаси бой-ликларини, яширин имко-ниятларни кўрсатиш билан ундан фойдаланишда қандай мушқулларга дуч келган-лигини ҳам яширмайди. На-воий халқ тилини чуқур ўр-ганиб, ундан адабий тил учун асл дурлар терди, тилининг бойлиги ва шаклланишига катта хизмат қилди. Бу осон эмас эди, чунки ҳали сайқал-ланмаган тилда улкан дос-тоҳлар яратиш жуда кўп лакнатлар (дудқуликлар) чи-қишига олиб келарди. Бу ҳақида шоир достонларининг бир қанча жойларида тўхта-либ, зорланган ўринлар ҳам оз эмас:

Тузулди бу назминг бор,  
Бир сурт,  
Яна турки алфоз анро  
Бир сир.  
Ки ҳар нечаким  
диққати бордур.

# МАНГУ БАРҲАЁТ ХАЗИНА

Талаффуз аро  
лақнати бордур.  
Сўзингники яхши кўрар  
сен ўзунг,  
Кўринмас ёмон чун  
эрур ўз сўзунг...  
Шоир гоёт улкан адабий  
мерос қолдирди. У шъар-ия-тининг жанрларида  
амойиб асарлар яратди, ил-мий-тарихий ва ахлоқий ки-тоблар ҳам ёзди.

Алишер Навоийни ўрга-ниш соҳасида ҳозиргача жуда кўп иш қилинди. Аммо гоъвий-сийёсий жиҳат-дан қилинган зўравонлик ва зугумлар тўфайли Навоий ижодини идеаллаштиришга ҳам йўл қўйилди. Эндилик-да Навоий ижодини ҳам қай-та қуриш элаги билан бош-қатдан «элаб», илмий фикр-лар айтилиши керак.

«Аттор»лар мистиксига қар-ши бориб «еретиқ»лик қил-ган эмас. Навоий суфизмда «Мантиқ ут-тайр»даги бош-гояга ниҳоятда садоқат би-лан қараган. Бу масалалар-ни бошқадан ҳал этиш эн-гил иш эмас, албатта. Ма-салага зўрлик қилиб ёнда-шиш натижада хато муло-ҳазалар, қарашлар, баҳо-лашлар кўмайиб кетди. На-воий — демократ, Навоий— синфийликни тушунган тар-ғибчи, Навоий — даҳрий, подшолар ва султонлар син-фининг ашаддий душмани, Навоий — революционер каби ва ҳақазо нотўғри та-сдиқлашлар шоир меросини ўрганишга зарар берди.  
Навоий — гоёт улуг ва кўп қирралли шахс. Уни на

Дантега, на Шекспирга, на Пушкинга таққослаб бўлади. Қолдирган меросининг ҳаж-ми, мазмун доирасининг кеңлиги ва чуқурлиги жи-ҳатдан Навоийга тенглаша-диган зот жуда кам. Аммо аини пайтда унинг дунёқара-ши қарама-қаршиликларга тула. Шоир ўзининг бир неча ўн минг байтларни таш-кил этган поэтик асарларида сийёсий, иқтисодий, иқтисод-ий, манший, фалсафий, ди-ний, ахлоқий соҳаларга доир кўп масалалар устида муло-ҳазга юритади. Ҳозирги маъ-жуд тақдирларнинг аксар-иятида Навоий асарларини атрофлича текширмасдан, олдидан белгиллаб қўйилган мақсадларни исбот қилиш учун атайлаб мисралар қи-дирилган. Натияжада тасоди-фан любоб олинган парчалар орали шоир худди пласти-лидан ясалгандек фанатик мусулмон, дарвеш, даҳрий, революционер каби атамалар билан номланаверди, шу маънода бир неча диссерта-циялар ҳам ёқланди. Бироқ Навоий ҳеч қачон ялтоқ идеаллаштирилчару замо-насозликка муҳтож эмас, уни борича ўргавершимиз керак.

Буюк шоир асарларини вараклар экансиз, саҳифа-ларидан жонли фикрлар, қиёгин ҳис-туйғуларнинг то-за, мавжланлиб турганини то-замаиз. У бутун умри давоми-да яратган гасалларини «Чор девон»га тўплаган. Бу қулбети чиндан ҳам назм денгизига ўхшатиш мумкин. Унинг ҳар бир саҳифаси баҳорий бог каби турфа рағ, ҳид ва нафислик ифорларини тарқатади. Ундаги миғ-ларча гасалларнинг мазмуни ва поэтик хусусиятлари ҳа-қида умумий таразгина та-саввур бериш учун ҳам қалин китоб ёзиш керак бўла-ди.

Биз шу ўринда фақат шоир лирикасининг баъзи бир жиҳатларини ишора қилиб ўтамиз, холос. «Чор девон» асосан иккинчи ва фалсафий руҳдаги лирик шеърлардан иборат. Шарқда лирик шеърнинг жон-гани «ёр» образидур. Навоий ҳам аксарият гасалларини шунга бағишлаган. Шоир ҳаёл-та-саввурининг қудрати билан мавлики ва париларнинг ҳай-ратон гасалларини бери-ди. Унинг фазиллари фикр бой-лиги, ҳаёл рағдорлиги, ке-чимчи ва ҳис-туйғуларнинг самимиюлиги, ҳаётга кенг ривонча қарашлари билан кишини сеҳрлайди. Навоий лирикасини текширувчи олимлар унинг гасаллари-ни ҳаётлиги хусусида кўп бонг урадилар. Аслида шоир лирикасини қоллаб ол-ган асосий нарса мажозий усул ва рамалардан иборат. Тўғри, бу гасаллар орасида шоир кеңчиликларини ифода-лаган шеърлар ҳам, ҳатто таржиман ҳолига оид чизги-ларини ҳам учратиш мумкин. Аммо Навоийнинг севиғ ха-қидаги гоёт нозик шеърлар-нинг мазмунини тушуниш учун мажозий пардани кў-тарга билиш керак. Бу ўрин-да лириканинг шартли ху-сусиятларини ҳам унутмас-лик даркор. Акс ҳолда шоир ёрдан бошқа ҳеч нимани ўй-ламаган, севиғ савдогарно ичликлини аллаган майҳўр-дан фарқ қилмайди. Бу эса тарихга ҳам, мантқиққа ҳам хилофдир. Мана, бу мисра-ларга диққат қилинг:

Қувонурмен итинг сингон  
сафола ичра май исам...  
Чу маст ўлди я май  
бирла юйингиз баданни...  
Таннинг ушул ош наъшин  
белга риштан ток...  
Бу сатрлар шоирнинг майга берилганлигига ишорат қил-майди.

Баъзи тадқиқотчилар Навоий ҳақида ўнлаб китоб ёзиб, шоир дунёқарашини тасавуфга эид деб тасдиқ-лашган. Бу шубҳасиз бир томонлама қарашдур. Навоий на материалист, на даҳрий, на руҳоний эди. Унинг қар-ашларини тадқиқлашга бойлиги билан муҳим. У ХУДО, ОЛАМ, ҲАЁТ ва УЛИМ мазму-тушуинчалари талқинда ОЛЛОҲ, ҲАЁТ ва ТАБИАТни бирдай нарса деб қаровчи пантеистик мавқеда туради. Шоир ани шундай мурак-каб ва серқирралли билан буюқдир.

Махмуд НАЗАРОВ,  
филолог фанлари номзоди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ПАХТА ХОМ АШЭСИ ВА ПАХТА ТОЛАСИ ХАРИД ҲАМДА УЛГУРЖИ НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Пахтачиликнинг иқтисодий самардорлигини ошириш, шунингдек колхозлар, совхозлар, ижара жамоаларини ва фермер хўжаликларининг оширилган улгуржи нархларда моддий-техника ресурсларини сотиб олишга сарфлаган қаражатларини қисман қоплаш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон республикаси Давлат нарх комитети билан Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалик вазирлигининг 1991 йил ҳосилидан олинган пахта хом ашёси ҳарид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини 1 ва 2-илваларга қўра хиллари ва навларига қараб
2. Ўзбекистон республикаси Давлат нарх комитети билан пахта тозалаш саноатининг бошқа иккиламачи маҳсулотлари улгуржи нархларни даражасини қайтадан кўриб чиқсин.
3. Ўзбекистон республикаси Давлат нарх комитети Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалик вазирлиги ва «Пахта саноати» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда лент, магнелиз сиз чигит ва пахта тозалаш саноатининг бошқа иккиламачи маҳсулотлари улгуржи нархларни даражасини қайтадан кўриб чиқсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раисини  
И. КАРИМОВ.  
Тошкент шаҳри, 1991 йил, 26 сентябрь.

### ПАХТА ХОМ АШЭСИНИНГ ДАВЛАТ ХАРИД НАРХЛАРИ 1 тонна учун сўм ҳисобида

Пахта толаси хиллари	Пахта хом ашёсининг саноат навлари:			
	I	II	III	IV
<b>ИНГИЧКА ТОЛАЛИ</b>				
1-хили	4200	3700	1900	660
2-хили	3750	3400	1900	660
3-хили	3450	3060	1900	660
<b>ЎРТА ТОЛАЛИ</b>				
4-хили	3300	2865	1800	660
5-хили	3110	2685	1800	660
6-хили	2450	2210	1710	660
7-хили	2370	2130	1650	660

### ПАХТА ТОЛАСИНИНГ УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ 1 тонна учун — сўм ҳисобида

Тола хили сараси	Пахта толасининг саноат навлари						
	I	II	III	IV	V	VI	VII
<b>ИНГИЧКА ТОЛАЛИ</b>							
1-хили	15270	14780	14190	9130	6620	4170	2340
2-хили	13910	13410	12930	9130	6620	4170	2340
3-хили	12260	11950	11560	9130	6620	4170	2340
<b>ЎРТА ТОЛАЛИ</b>							
4-хили	10890	10690	10220	8660	6620	4170	2340
5-хили	9920	9720	9520	8260	6620	4170	2340
6-хили	8270	7870	7590	7200	6620	4170	2340
7-хили	8160	7400	7160	7100	6620	4170	2340

Эслатма: давлат буюртмасидан ташқари етказиб берилма-ган пахта толаси ҳажми шартнома нархларида сотилади.

## ФАЗАЛ

АЛИШЕР НАВОИЙ

Ҳайрат этмон ҳусни нақшндаки, ҳар ҳайратки, бор  
Барчаси эид таоло сунъ нақшошидадур.

**Тап аға снйму ичнда тош музимар кўнглидин,  
Ақлга юз ҳайрат, ул оининг ичу тошвидадур.**

**Май кетур, эй мугки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,  
Бу ажабларким, бу эски дайр хуффоншидадур.**

**То Навоий тўкти ул ой фурқатини баҳри ашк,  
Ҳар қачон боқсанг қуёш аксини анинг ёшинидадур.**

# Бу гулшани учра ёнқур бақо гулша садом, Аҳсаб саодат эрур қолса аҳлишук билан от



УЛКАН қомусий асар бўлган «Хамса» неча-неча авлодларнинг маънавий тарбиялашига мислсиз хизмат қилиб келаётган бир баҳриномондир... Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу асари биз учун фақат бир маданий меросига бўлиб қолмай, балки бугунги инсоний ва ҳаётини муаммоларни ҳал этишда ҳам катта дастурлик қилиб келмоқда. Мазкур саргашмадан бадийнинг барча соҳалари, шу жумладан, мусиқа, санъат, кино санъати, миз, рақс, театрини, мейморчилик, халқ амалий санъати жуда ҳам катта баҳра олиб келаётди...

«Хамса»даги иккинчи достон «Фарҳод ва Ширин» бўлиб, у ҳам бадий ижод аҳли учун қанчадан-қанча аждоғий асарлар яратилишига катта омил бўлиб хизмат қилди. Унинг асосида мусиқий драма ва опералар яратилди. Фарҳоднинг ҳайкаллари она заманимиз ҳуснини беэзаб турибди, мўйқалам соҳиблари ҳам унинг тилосинини рангини бўёнларда акс эттирганлар. Шоирулар унинг ҳақиқа қуйма мисралар яратдилар, навосоз газелиётга ажиб қуйлар басталаниб, «Муножот», «Ушшоқ», «Сувора»лар бўлиб янграб келмоқда. Машҳур «Навоий» романи ва «Алишер Навоий» бадий фильмнинг доғриги ҳам аллақандайлар жаҳон бўйлаб таралди. «Сухайил ва Меҳри» балети, «Алишер Навоий» тарихий драмаси, шoir ҳақидаги опера, «Навоий Астроходда» мусиқий драмаси, буюқ шoir ҳаёти ва ижодиға бағишланган телевизион фильмлар — мана шунларнинг барчаси эндиликда бадий навоийномаининг сермазун зарварларидир. Етмиш йил мобайнида мураккаб изланишлар билан тўла, курашлар билан йўрилган, аммо зафарли йўлни босиб ўтган саҳна навоийномамиз ҳам бизнинг воқелигимиз меъасидир. Бадий навоийномамиз тўғрисида инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаёқ атоқли ўзбек шoirи, машҳур драматургимиз Шамсиддин Шарафидинов — Хуршид турган бўлиб, худди шу ижодкорнинг ўзи «саҳна навоийномасининг майдонга келишига ҳам кўпик ташлаб берганди. У 1919 йилда «Хамса»ни синчиқлаб ўрганди ва унинг саҳна талқинини яратилганда ўта мураккаб, масъулиятли, бирок шарафли вазирани ўз зиммасига олди. «Пролеткульт» ҳаракати маданий меросга жиҳдий ҳужум бошлаган, ноёб осори-атиқалар бузиб ташланаётган, мозиёдан келаётган бебаҳо китоблар ёқилаётган, ҳатто Жомий, Навоий, Лутфий, Машраб, Отоий каби буюқ ижодкорларнинг шаънига намсатиш тошлари отилаётган эди. Ана шундай аянчли вазиётда Хуршид табиқий созадан, ҳоқиқ, бастакор Шораҳим Шоумаров билан ҳамкорликда «Фарҳод ва Ширин»ни саҳнаға олиб чиқди. Унга халқимизнинг ноёб, дардли, ноziк ҳис-туйғуларига бой, асрлар мобайнида сайқал топган «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Баёт», «Гира»,



● АЛИШЕР Навоий достони асосида Хуршид яратган «Фарҳод ва Ширин» спектаклидан кўриниш (1935 йил). Моҳибону ролида Марям Екубова, сарой гузали — Тармоҳоний.

халис баҳосига кўра матбуот саҳифасида ёритилган тақрир мақолаларни (албатта халис баҳолар ҳақида сўз бо райтир) кўздан кечирганда драматург Хуршид ва бастакор Шораҳим Шоумаров (кеинчалик композитор В. А. Успенский ҳам) билан бирга мана шу уч мақсадни амалға ошираолганликларини кўрамиз. Масалан, 30-йиллардаёқ ҳатто марказий рўзнама ва ойнамалар саҳифаларида Навоий достони асосида ўзбек драматурғи Хуршид ва композитор В. Успенскийлар яратган мусиқаий драма катта муваффақият қозонгани қайд этилганди.

20-йилларда маданий меросимизнинг қушандалари, мозиёдан келаётган маънавий бойлиқларимизнинг «нассобларини» «Фарҳод ва Ширин»нинг «овқат-ўқунини кеса бошладилар», саҳна асарининг муаллифига ижобий ҳақрамон — Баҳромни салбийлаштириш. Хирсавини «юмшатиброқ» бериш-ни, Фарҳодни фақат советга қилиб кўрасатишни, ўзга миллатга мансуб бўлган Шоупур образига ургу бермаслигини, «имон», «севаги номини», «худо» каби диний мистицизм, тасаввуфий сўзларни пессалдан сўзлаштириб ташлашнинг тасви эълдилар. Калтабинлар ҳатто Навоийнинг буюқ, эзгу, гоғларни, орундилари меҳнат аҳлиға нақадар нафли, қори ҳайрли эканини ҳам хаспушладилар.

нишлаб, элга кўрасатириб келатгани учун ҳибса олинган эди. Бу — бадий ижодкорларни қатағон этишининг ўзгинаси эди.

Мана, шу вақтларда «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Еш Ленинга» рўзномаларида ҳам «Фарҳод ва Ширин» пьесасига, Навоийга ва унинг достони асосида саҳна асари яратишға журъат этган Хуршидга таъна тошлари отиб турилди, социалистик маданият кўришинизга «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»лар ҳеч қандай ёрдам бермайди, аксинча, улар меҳнаткашларни бунёдкорлик ишлариндан чалғитади, деган даъволар ҳам тарқатилди. Уша пайтларда ўзининг ноўрин талаблари, «Утган қунарлар»ни ноҳолис танқидлари билан Абдулла Қўдрийга азиятларини раво кўрган, у вақтларда «айтгани айтаган, дегани деган» мунаққиди, «қизил матбуот фидоиси» Соти Хусайн ҳам «Фарҳод ва Ширин» сингарии асарлар омманинг тарбияси учун мулғаго керак эмас, деган фикрни кўтариб чиққанди («Қизил Ўзбекистон», 1929 йил, 16 июль).

Ноҳолис танқидчилардан А. Алабий, «Тургунбой»лар томонидан ҳам ўша вақтларда матбуотида ноўрин танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлиб, меҳнаткашларнинг Алишер Навоий гоғларидан

алоқаси борми? Бизнинг социализм кўриш қарақатимизга озунга бера оладикми, деган саволини ташлаб: «Йўқ» — дея ўзи жаовоб қайтарганди... Кейинчалик, орадан анча-мунча вақтлар ўтғач, Н. Яшин ўз хатосини тўшутиди ва Навоий асарларини тарғиб қилиш ишиға ўз ҳиссасини қўшди.

1930 йилда «Фарҳод ва Ширин» Москвада миллий театрлар 1 Олимпиадасида намойиш этилди ва катта қизиқиш уйғотди, пойтахт матбуотида тақрирлар босилди, ижобий баҳолар айтилди... 1937 йилда эса ана шу ажойиб асар атоқли композитор В. Успенский (Г. Мушьель ҳам қатнашган) яратган мўнаҳкам билан ўзбек санъати биринчи ўн қулғида кўрасатириб жууда ҳам катта эътиборға сазовор бўлди. Ушбу асар кўзға кўринган музика-шунослар томонидан «биринчи ўзбек операси» ҳам дейилди («Советская музика», 1937 йил № 4). Ушбу спектаклда юксак маҳорат билан сиймолар яратган Халима Зокирова (Ширин), Карим Зокиров, Боброҳим Мирзаев (Фарҳод), Қори-Екубов (Хирсав), Лутфихоном Саримсоқова (Бусман)лар жамоатчиликни, театр ва музика танқидчиларининг юксак баҳосини олдилар. Мана шунларнинг ўзи ҳам «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» сингарии асарларининг бизға кераги йўқ, деб ўз вақтда даъволар билан чиққанларининг асосиз сўзларини пучға чиқарганди...

Бирок афсуски, маданий меросга, мозиёдан ўқ илдириб отиб келатган халқ маънавий бойлиқларига шахсга сизгиниш авжға минган пайтлар — 30—40 йилларда ҳатто 50-йиллар бошида ҳам таъна тошлари отиш давом этиб, ривожланиб келадиган, ажойиб санъаткорларнинг пок шаъниға қора тамғалар урилди. 1937 йилдан бошлаб «жадид», «миллатчи» Хуршид ҳам билан тақоватчи ортиб бораверди. 1946 йилда уни Тошкентда бўлиб ўтган СССР Ёзувчилар конференциясида Ёзувчилар уюшмаси аъзолигиндан «миллатчи» тамғаси билан ҳайдадилар. Бунга ўша вақтлардаги «аксилингчилоблар», «пантуркичи», «миллатчилар», «жадидлар», «халқ душманлари», «ўнг трюкчи»ларға қарши авёсиз кураш олиб борган Усмонов Юсупов ҳам ҳолисона «хизмат қилди». Уша ёзувчилар конференциясида оташин нутқ сўзлаб, Хуршид ва Ғайратий каби «миллатчи»ларға СССР пролетар ёзувчилари қаторида ўрин йўқлиги ва бундайларнинг ушбу уюшмадан бадарға қилиш ҳақида гапирганди...

Ха, 1917 йилдаёқ «Интернационал»ни Ўзбекича таъдил этишға муваффақ бўлган, 1918—19 йилларда «Туркистон байналмилли» «Туркистон марселеъасини» яратган Хуршидга «миллатчи» тамғаси урилди, бадбугунги турмушимиз билан

— Навоийнинг саҳна гулшани —

## ЭЪТИҚОД РАМЗИ

«Фигон», «Мустаҳзод» сингарии қуйлари лавванд этилди...

«Фарҳод ва Ширин»нинг дастлабки нусхаси 1919 йилда тайёрланган бўлса-да, уни халққа кўрасатишга ижозат бермадилар. «Символист, мутасавуф» Навоий достони асосида яратилган бу асар «меҳнаткашлар учун зарарли», кишиларни «ангиға қилиш», нишиларни «ангиға қилиш», бу маданий меросга нисбатан кўрсатила бошлаган, ноёб осори-атиқалар бузиб ташланаётган, мозиёдан келаётган бебаҳо китоблар ёқилаётган, ҳатто Жомий, Навоий, Лутфий, Машраб, Отоий каби буюқ ижодкорларнинг шаънига намсатиш тошлари отилаётган эди. Ана шундай аянчли вазиётда Хуршид табиқий созадан, ҳоқиқ, бастакор Шораҳим Шоумаров билан ҳамкорликда «Фарҳод ва Ширин»ни саҳнаға олиб чиқди. Унга халқимизнинг ноёб, дардли, ноziк ҳис-туйғуларига бой, асрлар мобайнида сайқал топган «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Баёт», «Гира»,

машаққатлар, ҳатто тортигулар ва чинакам жанглар билан Хуршид қўйди (илмида эса Абдурауф Фитрат).

Хуршиднинг «Хамса» достонларига мурожаати бежиш эмасди. Биринчидан, шoir ва драматургининг буюқ ўзига нисбатан юксак ҳўрмат-эҳроми ва 20-аср «инкизитор»ларидан Навоийни ва унинг маънавий меросини муҳофаза қилиш, иккинчидан, Навоий гоғларини халқ орасида кенг тарғиб улаштириш, меҳнаткашларни инсонпарварлик, ватанпарварлик, байналмиллаллик руҳида тарбиялашға улкан қалам соҳибининг тафаккур мевалари-ла ёрдам бериш; учинчидан, ҳукумат чиқарган тарихий «Декрет»ға жаовобан, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, боқ-роғлар бунёд этишда дастурлик қилувчи, меҳнат аҳлини жасоратға чорловчи асарни майдонға келтириш эди.

«Фарҳод ва Ширин»нинг неча ўн йиллар мобайнида саҳнадан тўшмай халқнинг таҳсинига қараганда ва жамоатчилик, танқидчиликнинг

«Хамса» қаҳрамонларига «ашаддий ниғилизм» асосида ёндошиб, достон ва унинг асосида саҳнаға кириб келган «Фарҳод ва Ширин»ни ишчилар ва деҳқонларға кўрсатиш мумкин эмас, деган даъво билан чиқдилар. Биз эндиликда сира ҳам инкор этиб бўлмайдиқан, тарихий ҳужжатларға айланиб қолган мана бу манбаларға назар ташласак, муаллифларға отилган таъна тошларини кўриб вуждумизнинг безгак тутди: «25 февраль 1924 год, № 238. Турклявлит. Разрешение, «Фарҳод и Ширин» разрешается к исполнению в театрах по обслуживанию рабочих и крестьян».

Ха, бу ижодкорларни ва буюқ маданий мерос асосида яратилган қалдиғор драматург асарни ўзига хос қатағон этишининг бошланиши эди. 1926 йилда келиб эса «қайсар муаллиф» танқидга қулқ соймайдиган «навоийпараст» Хуршид «тамбеҳ»лардан ҳулоса чиқармай, яна «символист, халпараст, мутасавуф шoir» достони асосида «Лайли ва Мажнун»ни

чалғитарди. Айрим мунаққидлар эса саҳна қонуниятларини драматургия сир-синаотларига рию қилмай, Навоий достонидаги энг асосий мақсаду гоғларни қамраб олишға ҳаражат қилган моҳир драматургга ноўрин талаблари билдириб, муаллиф «Хамса»даги достони бустулинтичға саҳналаштириб бериши керак эди, дедилар ҳам. Шунда анча-мунча халқ «юмор»нига эга бўлган табиқий шoir Хислат: «Хуршид Навоийни тўлалигича саҳнаға олиб чиқса, кенояним қуриган кўра-тушақлар ўстиқларини олиб келиб, бемаълот этиб олиб, тонг отарға чам «Фарҳод ва Ширин»ни кўрақанми-да», дея киноя қилганди...

Уша вақтларда Комил Яшин ҳам ана шундай камчиликларға йўл қўйганди. У классик асарларимизга, асрий маданий меросимизга ноҳолис муносабатда бўлиб, шундай деганди: «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби пьесаларимизнинг бугунги турмушимиз билан

«Фарҳод ва Ширин» жаъраини билан боғлиқ бўлган воқеада фақат муаллиф-драматургига айланмиб азият чекмай, композитор В. Успенский ҳам қатағонға учради, ҳибса олинмиб қамалди. Фарҳод сиймосини беназир яратган ажойиб хонанда, актёр Саъдулла Норхонов асарининг илк намойишидан кейин қамоққа олинди ва йўқ қилиб юборилди. Муҳитдин Қори-Екубовнинг ҳам «миллатчи»лики айбандилар, кейинчалик уйдирма айб-баҳона билан қамалдилар. Шириннинг эрур ижодисини, ноёб овоз ва истеъдод эгаси Назира Иноғомованинг овозига тақоват этилди, у телба бўлиб қолиб азоб-уқубатда ўлди...

1951 йилда келиб маданий меросга тақоват ундан ҳам авжға минди. Ўзбекистон КП(б) МК бюросининг 8 апрелдаги қарориди ҳам, ундан кейинроқ бўлиб ўтган Марказийнинг XXII пленумида ҳам машҳур «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»лар муаллиф томонидан «миллатчилик» руҳида ёзилган деган манфур тамға босилганди. Мана шундай ҳарқоратлар, тақоватчи намсатиш азиятларға Хуршид ортиқча дош беролмади, бунингдек тошмеҳрлик, адолатсизлик қора тамғасини олгани сира ҳам чиқолмай оламдан қўз юлди...

«Фарҳод ва Ширин»ға желасак, бу мусиқий драма желарининг қалдиғор асари, буюқ Навоий достонидаги умрбоқий гоғларни кенг тарғиб қилувчи, халқимизнинг асрий ору-умилларини бадий муосий, драматик асода тараннум этивчи, инсонийлиги, меҳр-муҳаббатни, дўстлиғи байналмиллалликни, ватанпарварликни, меҳнатсеварлик, мардлик ва жасоратни маҳз этиб қуйлайдиган асар бўлиб қолди...

Шукрлар бўлсинки, маънавий ҳаётимиз саҳифасидаги ушбу доғ ҳам маҳв бўлди. Жумҳурият Президентининг қарори билан Алишер Навоий номидаги Давлат муқофотининг таъсис этилиши нуру устиға нуру бўлди. Ушбу муқофотға Фитрат, Чўплов ва Абдулла Қўдрийнинг номидаги мурастларни ҳам «айни мўстадири», Аммо Навоий «Хамса»сидан «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»ларни биринчи бўлиб саҳналаштиришға журъат этган, буюқ шoir ғазалларига муҳаммаслар боғланган, унинг ашъорини ижод этиб халқлар орасида кенг тарғиб этиб келган саҳна навоийномамиз асосини Хуршиднинг муътабар номи ана шу номзоллар сабида йўқлиги кишини ажаблантирадди.

Бу алоқадан булармикан, қалдиғор ижодкорнинг руҳи чиқирамасмикан? Қайсар тарих бунини қечирармикан?!

**Баҳридин НАСРИДДИНОВ,**  
СССР Ёзувчилар, Театр арбоблари, Журналистлар уюшмаларининг аъзоси, театрушнос.

### МУСАВВИР ТУҲФАСИ

**БУ ИСТЕЪДОДЛИ** мўйқалам соҳибаси чизган ранг-баранг расмлар қатор кўргазмаларда муваффақиятли намойиш қилинган. Чиндан ҳам М. Уйғур номи Тошкент Давлат санъат олийгоҳининг таърибли ўқитувчиси, изланувчан расм соҳибаси Лиза Маматова ўз асарлари билан «Миконда» заводига, Ангрен шаҳрида, Театр арбоблари уюшмасида, «Итҳом» театр-студиясида уюштирилган кўргазмаларға қатнашиб, томошбинларға яхши танлиб қолди.

Санъаткор ушбу зот Алишер Навоий сиймосини катта полотнода ёркин акс эттиришга ҳам мўяссар бўлди. Яқинда тугалланган давр асар «Абдиёт йўли» деб аталади. Бу расм аввало композицион тўзлиш билан киши эътиборини дарҳол ўзига тортади. Асар марказида Навоийнинг бу-бугун сиймоси ёркин бўёнларда жоиланган. Унинг атрофида давра курган бир гуруҳ шoir ва ёзувчилар — Чўплов, Абдулла Қўдрий, Ойбек, Усмонов Носир ва Абдулла Орипов ижодға берилган ўзига хос кўринишларда тасвирланган. Бу эса Навоий ижоди йўли Ануосиб авлодлар томонидан давом эттирилатган мерос умрбоқий эканлигини кўрсатиб турибди.

**Мазкур асар Навоий тўйига мўяссар ижодий тортиқ бўлди.**

### НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН** Бастакорлар уюшмаси учун Алишер Навоий йили янада кўтаринки жулқинлик, ижодий фаолият касб этиди. Чиндан ҳам жумҳуриятимиз бастакорлари ўзбек шеъринининг буюқ даҳоси Навоий таваллутида аргитуючи ижодий армуғлар ҳозирлаб, мусиқа санъатимизни ғазал мулкунинг сўлони асарларига ёзилган ажойиб қўшиқлар билан бойитиш йўлида катта фаолият кўрсатмоқдалар. М. Бухронов, С. Жалил, М. Бафоев ва бошқаларнинг анги яратган мусиқа асарлари шодибнаға ахши ижодий армуғ бўлди.

«Навоий ва мусиқа» деб аталган катта нафосат кечасиға таъйарлиқ ишлари ижодисига этиди. Унда Навоий ва мусиқа санъати масалаларига бағишланган маърузалар тингланган. Шу билан бирга шoir тўйига атаб таъйирланган концерт дастури ҳам намойиш қилинди. Ўзбек халқ қолғу асноблари оркестри, мақомчилар дастаси ва бошқа ижодий жамоалар ижросида кўпбал янги қуй ва қўшиқлар қайрайдди.

**А. АЛИЕВ.**

• НАВОЙИШУНОС ОПИМЛАР



● **БЮОҚ** шoir ва мутафаккир асарларини нашр қилиш, уларни тақдис ва тарғиб этишда қўпгина навоийшунос олимлар самарали меҳнат қилишмоқда. Айнқиса, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт илмоғи, Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўләмалар илмоғи ва бошқа илмий-тақдиқот муассасаларининг бу борадаги навланишлари эътиборға сазовордир. Суратда: жумҳуриятимизнинг табиқий навоийшуносларидан бир гуруҳи.

**Суратнаш Содий МАҚРАМОВ.**

26 сентябрь куни Тошкентда Мир Алишер Навоий ашадий меросини ўрганишға бағишланган илмий анжуман очилди. Бу мутафаккир таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тантаналарнинг асосий воқеаларидан биридир.

Анжуман очилишида жумҳурият Фанлар академиясининг президенти М. С. Салохитдинов кириш нутқи сўзлади. Навоий ижоди бугунги кунда ҳам чуқур замонавийлик касб этганини ва давримизга ҳамоҳанг эканлиги таъкидланди. Анъанавий усуллар ва оразлар бизға катта санъаткорнинг юрағи ҳозир ҳам урб турганини, унинг қудратли ақзаковати жуқшин эканини, олий иктидорға, эркин фикрга, инсон ҳақосига содиқ қолганини кўрсатиб турибди. Навоий ўзининг бекиёб сўзлари ва нафосат оламини яратди, айни вақтда ўша вақтда Шарҳода жууда машҳур бўлган сўз санъатининг барча хасби-қолида ўзининг юксак маҳоратини намойиш этди. Кейинги даврдаёқ ўзбек адабиётиниға эмас, ўрта Осиёдаги бошқа қўпгина халқларнинг шеърини ҳам ўз ривожланишида Навоий ақл-заковати ва бадий ижодитининг жууда улкан ҳаётини таъсирини хис қилди.

Алишер Навоий Хиротда, Хурсон ҳоқимининг олий мансабли амалдори, Ғиссиддин онласида таваллуд топган. У ёшлиғиданоқ шеърини ва ноziк сўз санъатининг кишини ўзига

мафтун этивчи муҳитига тушиб қолди. Болалғидаёқ она тили — туркчадан ташқари форс ва араб тилларини эглаб олади. 4 шилданроқ унга таълим бера бошлайдилар. Бўлажак шoir дастлабки шеърларини 11—12 ёшида ёзган, турк тилида ёзилган «Навоий», форсийда ижод қил

## ЮКСАК УЙЛАР ЧАШМАСИ

ган асарларига «Фоний» деб ном қчеккан. Навоий ҳаёти ва ижод қўлида ажойиб тарихий асарлар яратган Хондмирнинг кинобадий далайларға асосланган аша шу гапларни тарх фанлари доктори А. О. Уринбоев ўз маърузасида айтди. Кейинги нотқ — Венеция дорилфунуни Европа-Осиё тақдиқотлари департаментининг раис, мутахассислиги бўйича форс маданиятининг биллидини Рикардэ Зилполи Навоийнинг форс тилидаги меросиға тўхтади. Афғонистон Фанлар академиясининг президенти Кабир Ранжбар Навоийнинг Хиротда яшаган даври ҳақида гапирди. Мамлакатимизда ўн бешинчи

аср иккинчи ярмида адабиёт ва санъатнинг гуллаб-яшнаши умуман Навоий номи билан боғлиқ эканини фахр билан гапириб юришди. Ҳозир шаҳарда унинг номида мактаб, тарих музейи, дорилфунун, шеърларини 11—12 ёшида ёзган, турк тилида ёзилган «Навоий», форсийда ижод қил

ган асарларига «Фоний» деб ном қчеккан. Навоий ҳаёти ва ижод қўлида ажойиб тарихий асарлар яратган Хондмирнинг кинобадий далайларға асосланган аша шу гапларни тарх фанлари доктори А. О. Уринбоев ўз маърузасида айтди.

Кейинги нотқ — Венеция дорилфунуни Европа-Осиё тақдиқотлари департаментининг раис, мутахассислиги бўйича форс маданиятининг биллидини Рикардэ Зилполи Навоийнинг форс тилидаги меросиға тўхтади. Афғонистон Фанлар академиясининг президенти Кабир Ранжбар Навоийнинг Хиротда яшаган даври ҳақида гапирди. Мамлакатимизда ўн бешинчи

афғонистон Фанлар академиясининг президенти Кабир Ранжбар Навоийнинг Хиротда яшаган даври ҳақида гапирди. Мамлакатимизда ўн бешинчи

афғонистон Фанлар академиясининг президенти Кабир Ранжбар Навоийнинг Хиротда яшаган даври ҳақида гапирди. Мамлакатимизда ўн бешинчи

афғонистон Фанлар академиясининг президенти Кабир Ранжбар Навоийнинг Хиротда яшаган даври ҳақида гапирди. Мамлакатимизда ўн бешинчи

афғонистон Фанлар академиясининг президенти Кабир Ранжбар Навоийнинг Хиротда яшаган даври ҳақида гапирди. Мамлакатимизда ўн бешинчи

афғонистон Фанлар академиясининг президенти Кабир Ранжбар Навоийнинг Хиротда яшаган даври ҳақида гапирди. Мамлакатимизда ўн бешинчи

НАВОЙ ЭЛИНИНГ АЗИЗ МЕҲМОНЛАРИ



БУЮК ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан...

Сураткаш В. ТУРАЕВ.

«АЛИШЕРБЕК НАЗИРИ ЙЎҚ КИШИ ЭРДИ...»

ТЕМУРИЗДА соҳибқирон шоир ва олим Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳазрат...

Дарҳақиқат, улуг бобомиз ўхшашли йўқ мутафаккир эди.

ДЕВОНИ ФОНИИ ДАН ҒАЗАЛ

Меравад сарви ману рафтор менамад ба дил, В-аз гули рухсори ў сад хор менамад ба дил.

РУБОИЙ

То шуд ба дарун оташи ҳижрон воқеъ, В-он гаҳ зи бурунаи ашкӣ фалтон воқеъ.

Таржимаси: Ичимга ҳижрон ўти тушди-ю, жоно, Ташинда кўз ёшлари бўлдишлар пайдо.

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

РИВОЯТЛАРДА ШОИР СИЙМОСИ

ТАҚДИРИ асрларга туташ боболаримиз томонидан яратилиб, тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб, муайян бадний шаклга келиб қолган таваққур дурдоналари саналмиш сўз жавоҳирлари шодасининг сеҳрли олами...

чиқаролмабдилар. Ахири Мир Алишернинг олдига бориб, боғли имошоранинг маъносини сурабдилар. Мир Алишер ҳам: — Агар ҳар қайсиларинг минг тангадан берсангиз, майли, айтиб бераман...

ОТЛАР ОЕҒИДАН СУВ ИЧСИН

СУЛТОН ХУСАЙН подшо, Мир Алишер вазири эди. Бир кун подшо вазири билан шикоратга чиқибди. Шу борида уларнинг йўли дурдоналардан бири Мир Алишер жанобларининг ФОНИЙ тахаллуси билан тўзган «Девон»ларидир.

БОШ ВА ТИЛ

КҮНЛАРДАН БИР КУНИ Султон Хусайннинг саройида катта эиғфат бўлибди. Гапдан гап чиқиб, подшо «отлар оёғидан сув ичсин!» деган гапи учун Мир Алишерга икки минг танга инъом этганини айтиб берган экан, буни эшитган бошқа вазирлар жанжал қўзғабдилар.

БОШҚОТИРМА

Кўйида таърифлари баён этилган сўз ва номларни топиб оқичини ечинг. Сўнг шаклдаги рақамларни жавоблардаги таваллуки ҳарфлар билан алмаштириб, маъини ҳал этинг.



БУЛБУЛНИНГ НАВОСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ билан Биноий деган шоир кунлардан бир кун катта бон олдидан ўтиб қолишибди. Биноийнинг ичкарида гулга қўниб сайраётган булбулнинг ёқимли навоси эшитиларди.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

М. ҚОРИЕҶУВОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

КАТТА КОНЦЕРТИ

«РАНЖАНИ»

«ТАШЭКС» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ НЕГИЗИДАГИ 17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ КУРТИНИНГ

«ТАШЭКС» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Курсларни битирганларга гувоҳнома берилади ва улар завод цехларида иш билан таъминланадилар.

1. Автомобиль шассесини таъмирловчи чилангар (аргетачи-кузовчи) — 436 сўм.

2. Электр ускуналарини таъмирловчи чилангар (аккумуляторчи-автоэлектрик) — 413 сўм.

3. Двигателлар ва ёқимли аппаратларини таъмирловчи чилангар (карбюраторчи-моторчи) — 400 сўм.

17-ўрта ҳунар-техника билим юрти телефонлари: 68-67-09, 68-68-74.

«СТРОИМЕХАНИЗАЦИЯ» БОШ БОШҚАРМАСИ «МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ» тайёрлайди

КАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқини мобайнида ҳар ойда 150 сўмдан ойлик берилади.

Мухаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010.